

Иффатга далолат қилувчи оятларга мисоллар | Тазкия дарслари (320-дарс)



19:00 / 08.03.2025 2527

Ўзида «иффат» сўзи бўлмаса ҳам, маъноси иффатга далолат қиладиган оятларга мисоллар:

Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломнинг тақволарини, иффатларини баён қилувчи бир қанча оятлар нозил қилган. Мана шу оятларни тиловат қилганимизда ёки эшитганимизда ёш, навқирон, ниҳоятда чиройли, шу билан бирга, тақволи, чин мусулмон бўлган Юсуф алайҳиссаломнинг энг оғир пайтларда ҳам иффатларини пок сақлаганларига гувоҳ бўламиз:

﴿الظالمون﴾ يُفْلِحُ لَأِنَّهُ مُتَوَكِّلٌ أَحْسَنَ رَفِيقٍ إِنَّهُ، اللَّهُ مَعَادٌ قَالَ لَكَ هَيْتَ وَقَالَتِ الْأَبْتَابُ وَعَلَّقَتِ نَفْسَهُ عَنْ بَيْتِهَا فِي هُوَ الَّتِي وَرَوَدَتْهُ

«У уйида бўлган аёл ундан нафсини хоҳлади. Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» деди. У: «Аллоҳ сақласин! Ахир у турар жойимни яхшилаб берган хожам-ку! Албатта, золимлар зафар топмаслар», деди» (Юсуф сураси, 23-оят).

Яъни Юсуф келиб тушган уйдаги аёл – уни карвон эгаларидан сотиб олган кишининг хотини ундан нафсини қондиришини хоҳлади. У билан фаҳш иш қилмоқчи бўлди.

«Эшикларни беркитиб: «Бу ёққа кел!» деди».

Бу тасарруфотлар хотин Юсуфни жуда ҳам қаттиқ севиб, унга етишишга азму қарор қилганини кўрсатади. Бўлмаса, аёл киши ҳеч қачон уйдаги хизматкор йигитга, эшикларни беркитиб туриб, «Бу ёққа кел», деб очикдан-очик айтмайди. Аммо Юсуф хотин уйлаган енгилтак йигитлардан эмас. У Аллоҳдан кўрқади, Аллоҳ унга ҳар бир нарсада тўғри ҳукм чиқаришни амр қилган ва илм берган. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаром ишга бормайди.

«У: «Аллоҳ сақласин! Ахир у турар жойимни яхшилаб берган хожам-ку! Албатта, золимлар зафар топмаслар», деди».

Яъни «Бундай ҳаром ишни қилишдан Аллоҳ сақласин, – демоқда. Кейин у яхшилиқни унутадиган одам ҳам эмас. Шунинг учун ҳам: – Ахир у (яъни уй эгаси – хотиннинг эри) жойимни яхшилаб берган хожам-ку. Менга шунча яхшилиқ қилган инсонга хиёнат этиб, хотинининг гапига кириб, фаҳш иш қиламанми? Агар шундай қиладиган бўлсам, золимлардан бўламан», деди.

«Албатта, золимлар зафар топмаслар», деди».

Аммо хотиннинг зулм, хиёнат, адолат, риоят, Аллоҳдан кўрқиш деган нарсалар билан иши йўқ эди.

﴿المُخْلِصِينَ عِبَادَنَا مِنْ آثَمِ الْفَحْشَاءِ الشُّوْءِ عَنْهُ لِنَصْرِفَ كَذَلِكَ رَبِّهِ يَرْهَنَ رَعَا أَنْ لَوْلَا بِهَآوَهُمْ بِهٖ هَمَّتْ وَلَقَدْ

«Батаҳқиқ, хотин унга интилки. У ҳам, агар Роббининг бурҳон(далил) ини кўрмаганида, у(хотин)га интилар эди. Ундан ёмонлик ва фаҳшни узоқлаштириш учун шундай қилдик. Албатта, у танланган бандаларимиздандир» (Юсуф сураси, 24-оят).

Юсуф гапга кирмай, унинг таклифини рад этганидан кейин, хотин ниятига етиш учун унга томон интилиб қолди. Аслида, бунақа пайтларда эркак

киши аёлга интильмасмиди?

Ҳолбуки, Юсуф эркаклиги комил инсон эди. Унда ҳам бошқа эркакларда бўлгани каби майл бор эди. У ҳам аёлга интилиши мумкин эди.

Аммо унинг бошқалардан фарқли жойи – Роббининг бурҳон(ҳужжат)ини кўрган эди, ўшандай далилни кўриб туриб ҳам, ҳаром ишга юрганида, ҳақиқий мўмин бўлолмас эди. Агар шу ҳолат бўлмаганида, у ҳам хотинга интилган бўларди.

Буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг инояти ила бўлмоқда.

«Ундан ёмонлик ва фаҳшни узоқлаштириш учун шундай қилдик».

«Биз қилган тадбир туфайли у ёмонлик ва фаҳш ишлардан, жумладан, ҳожасининг аёли хоҳлаган бузуқликдан ҳам узоқ бўлди. Унга бунчалик ишларни раво кўрганимиз беҳуда эмас:

«Албатта, у танланган бандаларимиздандир».

Хотин Юсуфга интилиб, у хотиндан қочиб,

﴿أَلَيْسَ عَذَابٌ أَوْسَعُ لِمَن كَانَ إِلاَّ سَوْءَ مَا يَأْهَلِكُ أَرَادَ مَن جَزَاءٍ مَا قَالَتِ الْبَابُ لَدَا سَيِّدَهَا وَالْفَيْءُ دُبُرٌ مِّن قَيْصِصِهِ. وَقَدَّتْ الْبَابَ وَأَسْتَبَقَا﴾

«Эшик томон чопишди. Хотин унинг кўйлагини орқа томонидан йиртиб олди. Эшик олдида у(хотин)нинг хўжайинига дуч келишди. У (хотин): «Сенинг аҳлингга ёмонлик истаганнинг жазоси фақатгина зиндонбанд этилиши ёки аламли азобдир», деди» (Юсуф сураси, 25-оят).

Хотиннинг нафси шу даражага етган эдики, Юсуфга интилибгина қолмай, уни қувишга тушди. Юсуф ҳам фаҳш ишга умуман бормаслигининг таъкиди сифатида эшик томон қочди. Хотин қочаётган Юсуфнинг кўйлагидан ушлаб, тортган эди, кўйлакнинг бир парчаси қўлида юлиниб қолди. Шу пайт кутилмаган иш содир бўлди:

«Эшик олдида у(хотин)нинг хўжайинига дуч келишди».

Хотиннинг эри келиб қолди. Нима қилиш керак?

Маккор хотин ўзини йўқотмай, дарҳол ҳужумга ўтди:

«Сенинг аҳлингга ёмонлик истаганнинг жазоси фақатгина зиндонбанд этилиши ёки аламли азобдир», деди».

Яъни «Юсуф менга – сенинг аҳлингга ёмон ният билан ҳамла этди, бузуқлик қилишни хоҳлади. Энди унинг жазоси ёки қамоқ, ёки аламли азоб бўлиши керак», деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, сийратлари ва ҳадисларида ҳам ифбат масаласи кенг жой олган.

هَلَلٌ لِّوَسْرٍ أُولَاسٍ رَاصِنَانِ مَنْ أَسَانٌ نِإِلَاقُ هُنَّ هَلَلٌ يَضَرُّ رِيْرُحُلِ دِيْعَسِ يَبْأَنْعِ
يَحُّمُ هَاطِعُ أَفْ هَوْلُ أَسِّ مَثُ مْ
فَفَعَتْ سَيِّ نَمَوْ مُمْ كُنَّ عُرْحَدَا نَلَفِ رِيْخٍ نَمِ يَدُنْ عُنُوكِيْ أَمْ «: لَاقِفُ هُ دُنْ عِ أَمْ يَفَنْ
دَحْ أَيْ طُعْ أَمْ وَ هَلَلٌ أَرْبَبِ صِي رَّبِّ صَتِي نَمَوْ هَلَلٌ هُنَّ عِي نَعَتْ سَيِّ نَمَوْ هَلَلٌ أَرْبَبِ صِي
نَمَحَلْفَ أَدَقُ «: يَذْمُرْتَلِ أَوْ نِيْ حِي شَلِ لَوْ هَسْمُ حَلُّ أَوْ ر. «رَبِّ صِلْ لَمْ عَسَوْ أَوْ أَرْيَخَ عَاطِعِ
دَّمَ حُمَلِ آ قَزْرُ لَعَجْ أَمْ هَلَلِ «: هِيْ أَوْ رِي فَوْ. «هَاتِ أَمْ هَلَلِ هَعَنْقَوْ ، أَفْ أَفْ كَقَزْرُ وَ ، مَلْسَ أ
«سَفَّ نَلِ عِنَ عِنَ لَ كَلَّ وَ ، صَرَّ لَلِ هَرْتَكُ نَعِنَ عِلْ سَيِّ لَ «: هِيْ أَوْ رِي فَوْ. «أَتَوْقِ

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ансорийлардан бир қанча одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (мол) сўрадилар. Бас, у зот уларга бердилар. Сўнгра яна сўрадилар. Яна бердилар. Ҳатто ҳузурларидаги нарса қолмади. Шунда у зот:

«Ҳузуримда нима яхшилик бўлса, сизларга бермай олиб қолмасман. Ким ифбатталаб бўлса, Аллоҳ уни ифбатли қилур. Ким беҳожатлик талаб қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилур. Ким сабр талаб қилса, Аллоҳ уни сабрли қилур. Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ ато берилмаган», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Икки шайх ва Термизийнинг ривоятида:

«Ким мусулмон бўлиб, етарлича ризқлантирилса ва Аллоҳ уни Ўзи берган нарсага қаноатлантирса, батаҳқиқ, нажот топган бўлур», дейилган.

Бошқа бир ривоятда эса:

«Аллоҳим! Оли Муҳаммаднинг ризқини қут – егулик нарса қилгин», дейилган.

Яна бир ривоятда эса:

«Бойлик молнинг кўплигида эмас, лекин бойлик нафснинг беҳожатлигидадир», дейилган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.